ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

48 (650)

2008 йил 26 ноябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

веб-сайт: www.mahalla.uz
e-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Саҳифада

2 ▶ Ҳар ишда ибрат Сиёсатхон
▶ 128 ёшли табаррук онахон нима дейди?

3 ▶ Ёш оилага ҳам уй керак, ҳам жиҳоз
▶ Жон қўшни жонини олди-ку...

4 ▶ Ширмой нони ширин қишлоқ
▶ Юз ёғийга бас келган бир подачи

ISSN 2010-7013

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни ваколат муддати тугаши муносабати билан қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари элчининг Ўзбекистондаги фаолиятига юқори баҳо бериб, келгуси ишларига муваффақият тилади.

Дарҳақиқат, Ф.Мухаметшин элчилиги даврида Ўзбекистон-Россия муносабатлари янги, юқори босқичга кўтарилди. 2005 йили мамлакатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланганида ҳамкорликка ана шундай юксак баҳо берилган эди. Бу ҳужжат икки томонлама алоқалар баробарида халқаро майдондаги ҳамжиҳатликни ҳам мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия барча соҳаларда ўзаро муносабатларни изчил ривожлантирмоқда. Икки мамлакат ўртасида олий даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Ҳукумат, парламент, вазирлик ва идоралар делегацияларининг ўзаро ташрифлари, бизнес вакилларининг учрашув ва анжуманлари муттасил давом этмоқда, минтақаларо ҳамкорлик фаоллашиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўн баробар юксалган, жорий йил охирида 4 миллиард АҚШ долларидан ошиши кутилмоқда. Юртимизда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда етти юздан зиёд қўшма корхона тузилган, Россиянинг 145 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Сармоявий соҳадаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. 2007 йилнинг ноябрида «Лукойл» компанияси билан биргаликда Бухоро вилояти ҳудудидаги «Хаузак» газ кони ишга туширилганини таъкидлаш жоиз. «Қандим» конини ўзлаштиришни йўлга қўйиш борасида ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Мамлакатларимиз ахборот-коммуникация технологиялари, авиасозлик, коинотни тадқиқ этиш каби ўта мураккаб соҳаларда ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик борасида олий таълим муассасаларининг алоқалари ривожланиб бораётганини, Ўзбекистонда нуфузли Россия олий ўқув юртларининг филиаллари очилганини, маданият ва санъат намояндаларининг фестиваль, кўргазма ва гастролларини ташкил этиш анъана шаклини олганини қайд этиш ўринлидир.

Ф.Мухаметшин Ўзбекистондаги фаолияти давомида яхши мактаб ўтаганини, мамлакатимизда кечган йилларини унутмаслигини, бу вақт давомида юртимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мислсиз ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон-Россия муносабатлари ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этиб, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА)

Жиззах вилояти

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

«Баҳриддин» фермер хўжалиги Мирзачўл туманида фаолият юритаётган ўнлаб илғор фермер хўжаликларидан бири ҳисобланади. Хўжалик раҳбари Юсуф Мирзаев пахта, ғалла етиштириш билан чекланиб қолмай, иссиқхона қуриб, юртдошларимиз дастурхонига сабзавотлар етказиб беришга аҳд қилганди. Мана, айни кунда 15 сотих майдонда барпо этилган иссиқхонада помидор пишай деб қолди.

Бундан ташқари, Ю.Мирзаев ташаббус кўрсатиб, ўз хўжалиги ҳудудида намунали биолаборатория ҳам ташкил қилган. Бу лабораторияда ишлаб чиқилган зараркунанда ҳашаротларни йўқ қилувчи воситалардан мирзачўллик барча фермер-деҳқонлар фойдаланмоқда.

— Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқонларнинг иш унумини ошириш учун шундай катта имкониятлар яратилган экан, албатта, улардан самарали фойдаланиш лозим, — дейди Юсуф Мирзаев. — Ғайрат билан меҳнат қилган кишини она замин, эл-юрт рағбатсиз қўймайди. Қолаверса, ўз меҳнатимиз билан Ватанимиз равнақига ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

СУРАТДА: *«Баҳриддин» фермер хўжалиги ишчиси Ф.Мирзаева.*

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МУНОСИБЛАР ҲАМИША ҒОЛИБ

Фарғона вилоятида сайловлар кўтаринкилик ва сайловчиларнинг фаоллиги асосида ўтмоқда. Ҳар бир фуқаролар йиғинида раисликка 3 нафардан 9 нафаргача номзод кўрсатиляпти.

Қува туманида жойлашган Деҳқонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Каттақишлоқ» маҳалласида ҳам ушбу ижтимоий-сиёсий тадбир қонунчилик талаблари асосида бўлиб ўтди. Авазбек Ҳасанов раислигидаги ишчи гуруҳи аъзолари маҳалладаги хонадонларда бўлиб, сайлов жараёнининг мазмун-моҳиятини фуқароларга етказди. Ҳар бир фуқаронинг фикр-мулоҳазаси, таклиф ва талаблари ўрганиб чиқилиши натижасида эл ҳурматини қозонган, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган фуқаролар йиғин раиси вазифасига номзод сифатида кўрсатилди, улардан бирини оқсоқолликка сайлаш учун аҳоли орасидан вакиллар танланди.

Умумнинг ишига сидқидилдан ёндашадиган, кексаю ёшнинг фикрини инобатга олиб, кўпни кўрган фахрийлар билан бамаслаҳат иш кўрадиган номзод йиғин раислигига сайланди.

Шу каби тадбирлар Фарғона шаҳрида жойлашган «Истиқлол», «Оқариқ», «Шодлик», Жомий, Мелибоев номидаги, Қўқон шаҳрида жойлашган «Қаймоқлигузар», «Ўрмонбоғ», Ўзбекистон туманидаги «Туркистон», «Конизар», «Даштчўлпон», Риштон туманидаги «Боғистон», «Зарариқ», «Гумбаз», Тошлоқ туманидаги «Янгийўл», «Дўстлик», «Сўкчилик» ва Фурқат номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилди.

Сурхондарё вилоятидаги ўзини ўзи бошқариш органларида сайловлар авж паллага кирган. Оқсоқоллик фаолияти давомида ўз меҳнати, ташаббускорлиги билан фуқароларнинг ишончини қозонган раисларга аҳоли қайтадан ишонч билдирмоқда. Хусусан, Жарқўрғон туманидаги «Меҳнатобод», «Авлод», «Қумқишлоқ», «Хўжақишлоқ», Бойсун туманидаги «Пасурхи», «Бибиширин», «Кўчкак» ва Термиз шаҳридаги «Алпомиш», «Байналмилал» маҳаллаларида амалдаги оқсоқоллар қайта сайланди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят ва туман (шаҳар) комиссиялари сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминламоқда.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови **Жиззах вилоятида** ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилаётир. Жумладан, шаҳардаги энг намунали фуқаролар йиғинларидан бири бўлган "Ҳамзаобод" маҳалласида ҳам сайлов бўлиб ўтди.

Муқобиллик асосида ўтказилган сайловда вакиллар амалдаги оқсоқолга ишонч билдириб, уни фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) этиб қайта сайладилар.

Муқимий номидаги маҳалла **Тошкент вилоятини**нг Ўрта Чирчиқ туманидаги Тўйтепа шаҳри марказида жойлашган. Бундан бир неча йил илгари маҳаллада ичимлик суви танқислиги муаммоси бор эди. Мавжуд сув иншоотлари ва қувурлар аллақачон муддатини ўтаб бўлганди. Кўп йиллар давомида туман санитария эпидемиология марказида бош шифокор бўлиб ишлаган Жўра Аҳмадқулов 2005 йил оқсоқолликка сайланганида бу муаммоларни ҳал этиш учун белини маҳкам боғлади. Чунки у тоза ичимлик сувининг инсон саломатлигини сақлашдаги ўрнини мутахассис сифатида яхши биларди. Тез орада маҳаллада сув таъминоти билан шуғулланадиган «Муқимий саховат сув» МЧЖ ташкил этилди. Ҳомийлар ҳам ёрдамга келди. Сув иншоотига янги насос ўрнатилиб, қувурлар таъмирдан чиқарилди. Бунда «Вилоят сув оқова» бирлашмасининг ёрдами катта бўлди.

28 нафар кишидан иборат ҳомийлар кенгаши маҳалладаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш борасидаги муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам бериб келяпти. Бевосита ушбу кенгаш аъзоларининг саъй-ҳаракати билан қисқа вақт ичида ҳудудда маърифат ва маънавият уйи қуриб биказилди.

Маҳаллада фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда 39 нафар вакил иштирок этди. Сайлов ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилиб, уч нафар номзод орасидан энг муносиби оқсоқол бўлди.

МУХБИРЛАРИМИЗ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари М.Мирзаевнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов ушбу масала бўйича қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар ҳисобот даврида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш давом эттирилганлигини, бюджет-солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришда бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мувозанатлаштирилишини таъминлашга қаратилганлигини, иқтисодий ўсиш ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашганлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил тўққиз ойидаги ижроси якунларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Андижон вилояти

Раёсат қиғилишида

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Андижон шаҳрида "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бошқарувининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосан ташкилий масалалар муҳокама этилиб, бўлим бошқаруви раиси сайланди. Бу лавозимда илгари Андижон шаҳар ҳокимининг диний маърифат ва маънавият масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган Икромиддин Валиев иш бошлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар маҳаллий бошқарув органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими олдида турган муҳим вазифаларга алоҳида тўхталиб, "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, жойларда диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашишни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлашди. Бу вазифаларни тўлақонли адо этиш учун фуқаролар йиғинларида етарли имкониятлар мавжудлиги, йиғин мутасаддилари ўз ваколатларидан унумли ва ўринли фойдаланиши лозимлиги алоҳида эътироф этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов, вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Ёқубова ҳамда жамғарманинг туман бўлинмалари раислари, маҳалла фаоллари, вилоят ички ишлар бошқармаси вакиллари иштирок этди.

МУХБИРИМИЗ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ КЎРГАЗМАСИ

"Ўзэкспомарказ"да қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда янги технологияларнинг "Food Weer Uzbekistan" ҳамда "Agri Tek Uzbekistan" ўн учинчи халқаро ихтисослашган кўргазмалари очилди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва TNT productons халқаро кўргазма компанияси ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар қишлоқ хўжалигида маҳсулдорликни ошириш, тармоқда замонавий техника ва технологиялардан оқилона фойдаланиш, юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш ва халқаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Кўрилаётган ана шундай изчил чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жорий йилда пахта ва ғалладан юқори ҳосил олинди. Картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум, гўшт ва сут етиштириш ҳажмини ошираётган қишлоқ хўжалиги ходимлари айни пайтда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш борасида ҳам фаол иш олиб бораётир. Бунда анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш технологиялари ва ускуналари халқаро ихтисослашган кўргазмалари муҳим ўрин тутади.

Мазкур халқаро кўргазмаларнинг ташкил этилиши мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳиятини кенг намойиш қилиш, агросаноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида, ўсимликларни муҳофаза қилишдаги илғор тажрибани, замонавий технологияларни оммалаштириш ҳамда экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Италия, Туркия каби йигирмага яқин мамлакатдан қарийб элликта фирма ва компания ўз маҳсулотлари ҳамда хизматларини таклиф этмоқда. Бу ерда қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қайта ишлаш, чорвачилик, чорва озуқаси ва агрокимё соҳасида қўлланиладиган воситаларга кенг ўрин ажратилган. Шу боис кўргазмалар очилган дастлабки кунда бу ерга мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб фермер хўжаликлари, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналари вакиллари ташриф буюриб, шартномалар тузишга киришди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Юз ёшдан ошса ҳам маҳалланинг меҳнатидан қочмайдиган, тиниб-тинчимаган юртдошларимиз кўп.

Қорақалпоғистон Республикаси

Йил дастури ижроси йўлида

ЁШЛАРГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Нукус шаҳрининг 22-кичик мавзесида давлат бюджети ва ҳомийлар ҳисобидан 60 хонадонли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бинонинг 9 та икки хонали хонадони Хўжайли шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйида тарбияланиб, айни пайтда Нукус шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган йигит-қизларга доимий турар жой сифатида ажратилди.

— Иморат замонавий услубда бунёд этилган бўлиб, хонадонлар барча рўзғор буюмлари билан жиҳозланган, — дейди ҳудуддаги «Дарбент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муродбой Бишеков. — Ушбу бинонинг барпо этилиши ёшлар йилида маҳалламиз ёш оилалари учун беғараз ёрдам бўлди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан, Тахиатош шаҳрида 32 хонадонли уй ёш оилаларга топширилган эди. Яқинда Нукус шаҳрида бунёд этилган 32 ва 64 хонадонли иккита турар жойда қурилиш ишлари поёнига етиб, ёш оилаларга топширилди. Бир сўз билан айтганда, жорий йилда оролбўйилик ёш оилаларнинг юз нафари барча қулайликларга эга бўлган турар жой билан таъминландилар.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Жиззах вилояти

Лицей иш бошлади

Вилоятда жорий йилда битта академик лицей ва 9 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилиб, лицейлар сони 4 тага, касб-ҳунар колежлари сони эса 58 тага етди. 2007-2008 йилларда вилоят ўқув даргоҳларини тамомлаган 9359 нафар ёш ўз мутахассислиги бўйича доимий иш билан таъминланди.

Жиззах политехника институти қошида ташкил этилган 2-сонли Ғаллаорол академик лицейининг ишга туширилиши билан билим даргоҳлари сони яна ортди.

— Академик лицейимиз аниқ, ижтимоий-гуманитар ҳамда табиий фанлар йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган, — дейди лицей директори Ҳусан Йўлдошев. — Янги ўқув йилида лицейнинг олтита гуруҳига 180 нафар ёш қабул қилинди. Айни пайтда лицейни замонавий техник воситалар билан таъминлаш, дарсхона ва ўқув-лаборатория хоналарида зарур шарт-шароитлар яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

Тошкент вилояти

ҚУМОВУЛДА ФЕСТИВАЛ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги муносабати билан Қумовулдаги маънавият-тарғибот марказида ташкил этилган вилоятдаги миллий маданий марказлар фестивали ана шундай номланди. Фестивал том маънодаги турли халқларнинг дўстлик байрамига айланди.

Қумовулда эрта тонгдан карнай-сурнай садолари янграб, барчани дўстлик байрамига чорлади. Марказ олдидаги кенг майдонда қонқариндош бўлиб яшаётган турли миллат вакиллари ўзларининг урф-одати, маданияти ва санъатини акс эттирувчи кўргазмали чиқишлар намойиш қилишди. Маълумки, бугунги кунда вилоят ҳудудида юздан ортиқ миллат вакиллари аҳил-иноқликда умргузаронлик қилиб, ўттиздан ортиқ миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Фестивал иштирокчилари байрамона безатилган дастурхон атрофида жамулжам бўлдилар. Миллий таомлардан барча баҳраманд бўларкан, янграётган миллий қўшиқлар юртдошлар қалбини янада қувончга тўлдирди.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

“ҲАР КИМ БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА...”

фуқароларимиз ҳуқуқи Бош Қомусда шу тарзда ифода этилган

Саноқли кунлардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига ўн олти йил тўлади. Шу вақт давомида юртимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги ва замонавий мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда бошқа ўқув юртлари бинолари қад ростлаганини кўлиб, кўзимиз қувнайди. Улкан бунёдкорлик ишлари баробарида мамлакатимизда таълим тизими ҳам тубдан ислоҳ этилиб, ўқув даргоҳлари замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланди. Қисқа қилиб айтганда, бугун ёшларнинг таълим олиши, комил инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу ютуқларнинг замирида мустақил давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси — Конституцияда белгилаб қўйилган тамойиллар, фуқароларнинг билим олишга бўлган ҳуқуқлари ётади.

Ҳа, инсониятнинг юксак тараққиётга эришиши, аввало, келажак авлоднинг етук билим ва салоҳият эгаси бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада фуқароларнинг қандай ҳуқуқларга эга экани Бош Қомусимизда алоҳида белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида қуйидагича қайд этилган: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг давлатимиз томонидан амалга оширилган дастлабки ислоҳотлар таълим тизимини яхшилашга ва ислоҳ этишга қаратилди. 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилингани ва унда юртимиз фуқароларининг таълим олиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида белгилаб қўйилгани диққатга сазовордир. Бу бевосита халқимизнинг билим ва маънавияти янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бугун биз халқаро таълим андозаларига мос равишда билим олаётган ёшлар, замонавий спорт иншоотларида маҳоратини ошириб, юртимиз довруғини дунёга таратаётган спортчилар, илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшаётган олимлар фаолияти мисолида Бош Қомусимизнинг ҳаётий ифодасини кўрамиз. Ушбу ҳужжат халқимизнинг миллий қадрият ва анъаналарини четлаб ўтмаган ҳолда вужудга келгани бунинг асосий омилидир.

Шунингдек, Контитуциянинг 42-моддасида ҳар бир фуқаро илмий-техникавий ижод эркинлигига, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Жамиятда юз бераётган ҳар бир ўзгариш, яратилаётган янги технология ва лойиҳалар инсоният онгининг маҳсулидир. Шу билан бирга, ривожланган таълим тизимини яратиш инсоният тараққиётининг муҳим таркибий қисми сифатида қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар муаммоларни бартараф этишда қўл келади. Ҳар бир инсон ўзини ҳаётнинг ажралмас бир бўлаги деб билиши, жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини англаб етишида таълим муҳим аҳамиятга эга. Асрлар давомида билим олишга бўлган эътибор ортиб борди. Бинобарин, таълим тизими тараққий этгани сари халқлар маданияти ва санъатнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлангани ҳам бежиз эмас.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан ёшларнинг таълим олиши ҳамда ўзи қизиққан соҳани мукаммал эгаллаб, етук кадр бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёшлар бу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда юртимиз равнақи, унинг бундан-да гуллаб-яшнаши учун ўз ҳиссасини қўша олсагина билдирилган ишончни оқлаган бўлади.

Норгул ТЎҚСАНОВА,
Қашқадарё вилояти Нишон туманида жойлашган Ойбек номидаги 18-сонли ўрта мактаб ўқитувчиси.

Сирдарё вилояти

Тадбир

“ЭКОСАН”дан ЁРДАМ

“Экосан” халқаро ташкилоти томонидан Сирдарё вилоятига 15 миллион 500 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Ташкилотнинг вилоят бўлими томонидан Экология ва саломатлик кунлари муносабати билан маҳаллаларда, таълим муассасаларида, “Меҳрибонлик” ва “Мурувват” уйларида хайрия тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, республика шошилинч тиббий ёрдам маркази 900 минг сўмлик кўрпа жилдлари ва чойшаблар билан таъминланиб, маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

— Хайрия тадбирларини ўтказиш анъанага айланган, — дейди “Экосан” халқаро ташкилотининг вилоят бўлими раҳбари Маматқул Бозорбоев. — 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Гулистон шаҳридаги республикамизда ягона ҳисобланган “Ногиронлар” уйида ҳам бу каби тадбирларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Экология ва саломатлик кунлари хайрия тадбирлари доирасида маҳаллаларда, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида “Табиат бизнинг бойлигимиз, уни асрайлик”, “Қушлар бизнинг дўстимиз”, “Дарахтлар байрами” мавзуларида тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
“Mahalla” мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Толибов тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг май ойида қабул қилинган фармон билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурини амалда рўёбга чиқариш доирасида парламент омбудсмани фаолиятининг ҳуқуқий базасини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда такомиллаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида давлатимиз томонидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг бир қисмидир. Муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Депутатлар Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг аъзоси Б.Дадабоев томонидан тақдим этилган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди, шунингдек, мазкур Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг ташкил этилиши билан боғлиқдир. Қонунда ижтимоий буюртмани жойлаштириш қоидаларини такомиллаштириш назарда тутилади. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқиб, қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир таклифлар киритдилар. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди ва у маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

(ЎзА)

Аёл ва жамият

Хоразм вилояти

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК

Хива туманидаги маҳалла, ўқув юрти, корхона ва муассасаларда одам савдоси жиноятининг олдини олиш, айниқса, хотин-қизларнинг чет давлатларга ноқонуний тарзда чиқиб кетиши, турли фирибгарларга алданиши каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида тушунтириш ишлари, суҳбатлар, очиқ мулоқотлар ўтказиляпти. Туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва туман халқ таълими бўлими бу борада ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Инсон қадри, шаъни, обрўси ва эркинлигига таҳдид қилувчи одам савдоси жинояти, афсуски, кейинги пайтда тез-тез учраб турибди. У, асосан, аёллар ва ёшларни ўз домига тортаётгани хавотирли, албатта. Жорий йилда қабул қилинган “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонун ҳамда Президентимизнинг “Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори юзасидан туманимизда маълум чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада туман хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил қилинган “Ҳуқуқшунос аёл” уюшмасининг фаолияти диққатга сазовордир. Шунингдек, “Касаначиликни ривожлантириш маркази”нинг ташкил қилингани аҳолини иш билан таъминлаш билан бир қаторда, одам савдоси жиноятининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда марказ фаолиятини кенгайтириш мақсадида 15 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ойбиби АБДУЛЛАЕВА,
Хива тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Андижон вилояти

Соғлом оила, соғлом ҳаёт

Қўрғонтепа туманида жойлашган марказий поликлиника шифокорлари ташаббуси билан “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлар” шиори остида саломатлик марафони ташкил этилди.

Шунингдек, шифокорлар томонидан “Мурувват уйи”да ва оилаларда тарбияланаётган 500 нафар ногирон болалар, оила қуриш ниятидаги бир ярим минг нафар ёшлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласи ҳам шифокорлар эътиборида. Шу сабабли тумандаги ўқув муассасалари ўқувчилари иштирокида “Соғлом оила, соғлом ҳаёт”, “ОИТС — аср вабоси”, “Ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш” мавзусида учрашувлар, давра суҳбатлари тез-тез ўтказиб турилади. Саломатлик маркази томонидан тайёрланган турли хил мавзудаги буклетлар тарқатилади.

Ҳозирда шифохонани зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Осиё тараққиёт банки томонидан 51 миллион сўм ажратилган.

МУХБИРИМИЗ

Тошкент шаҳри

Миробод туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи фуқаролари йиғин раисини сайлаб олишди. Энди йиғин ходимлари ва фаоллари навбатдаги тадбирлар режасини тузиш ва амалга оширишдек масъулиятли вазифага киришган.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Жиззах вилояти

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ҲИМОЯДА

Вилоят шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида “Қандли диабетни даволаш усуллари” мавзусида амалий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Республика “Умид” қандли диабет болалар жамғармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси етакчи мутахассислари томонидан тайёрланган тасвирий лавҳалар намойиш этилиб, малакали шифокорларнинг маърузалари тингланди.

— Кейинги пайтда бутун дунёда болаларнинг қандли диабет касаллигига йўлиқиш ҳолатлари ортгани кузатилмоқда, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Э.Нориев. — Шу туфайли эндокринология шифохонаси ишини тубдан яхшилаш, уни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш ва ходимлар малакасини ошириш чоралари кўриляпти. Айни вақтда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар мазкур масаланинг ечимини топишга қаратилган.

Тадбирда сўзга чиққанлар қандли диабет касаллигига қарши курашиш чоралари хусусида тўхталдилар. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, “Маҳалла” ҳамда “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармалари вилоят бўлимлари томонидан қандли диабет билан оғриган болаларга организмда хасталик даражасини аниқлайдиган мосламалар топширилди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
“Mahalla” мухбири.

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

25-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш

Агар фуқролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишида ўқазилган тақдирда, агар йиғилишда фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

26-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида такрорий овоз бериш

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Бухоро вилояти

ЭЛ ИШОНЧИ МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

Биз истиқомат қиладиган «Вобкент» фуқаролар йиғини туман марказида жойлашган. Маҳалламизни ҳунармандлар маҳалласи ҳам дейишади. Чунки бу ерда азал-азалдан уста темирчилар, дурадгору мисгарлар, бешиксозу қандолатпазлар яшаб, меҳнат қилишган. Уларнинг авлодлари аждодларидан мерос ҳунарларини давом эттириб, эл-юрт равнақига ҳисса қўшиб келишмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлганидек бизнинг маҳаллада ҳам оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари сайлови қизғин тусда кечди. Ушбу муҳим сиёсий тадбирда аҳоли томонидан сайланган 30 нафар вакил иштирок этди. Вакиллар айни пайтгача маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келаётган Бозор Рамазонов номзодини ёқлаб овоз беришди.

Бозор Рамазонов оқсоқоллик фаолияти давомида маҳалла аҳлининг ишончини оқлади. Шу давр мобайнида ҳудудимизда ва қўшни маҳаллаларда табиий газ таъминоти яхшиланиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Маҳалламиздаги қаровсизлик оқибатида деярли хароба ҳолга келиб қолган жоме масжиди ҳашар йўли билан таъмирланди. Эндиликда бу маскан отахонларнинг дам олиб, мириқиб суҳбатлашадиган жойига айланган. Абдулазизхон минорасининг ён-атрофи, Пиримусича қабристони ҳудуди эса ҳомийларнинг саховати туфайли ободонлаштирилди.

Маҳалламизда спортни ривожлантириш ва унга ёшларни кенг жалб этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, ёшларимиз «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Спортчилар оиласи» сингари турнирларнинг республика босқичида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Маҳалламиз ёшларидан таркиб топган «Вобкент» футбол жамоаси эса мамлакат олий лигасида тўп суришга муваффақ бўлди.

Йигит-қизларимизнинг уста-шогирд анъанаси асосида касб-ҳунарли бўлаётгани, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилаётгани барчамизни қувонтиради. Айни пайтда 48 нафар маҳалладошимиз касаначилик асосида фаолият юритмоқда.

Бозор Рамазоновнинг фаолият дастури билан танишиб чиққач, унинг амалга оширишни режалаштираётган ишлари бисёр эканига гувоҳ бўлдик. Тажрибали оқсоқолнинг маҳалла равнақи, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан иш олиб боришига ишонамиз ва бу борада унинг яқин кўмакчиси бўлишга аҳд қилганмиз.

Маҳмуд ҚАҲҲОРОВ,
меҳнат фахрийси.

Муносиб тақдирланганлар

Андижон вилояти

ФЕРМЕР МАҲАЛЛА ФАОЛИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги раҳбари Сиёсатхон Абдуллаева Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланиши андижонлик пахтакорлар меҳнатига ҳам муносиб баҳо бўлди.

Ҳар йили пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши олдидан Сиёсатхон опа «Эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлсин», дея неча тунни безовта ўтказади.

— Сиёсатхон опа маҳалламизнинг ҳурматли инсонларидан бири, — дейди Олтинкўл туманидаги «Сарой» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Абдурасул Мамадалиев. — У ўзининг ибратли фаолияти билан барчага ўрнак бўлиш қаторида, маҳаллада ўтказиб туриладиган тарбиявий тадбирларда фаол қатнашиб, турли оилавий можароларни ҳал этишда ўз маслаҳат ва кўмагини аямайди. Маҳаллада истиқомат қилувчи 7 та кам таъминланган оилага моддий-маънавий ёрдам бериб келмоқда.

Унинг раҳбарлигидаги фермер хўжалиги жамоаси маҳаллани ободонлаштириш ишларида доимо иштирок этиб келади. Жорий йилда жамоа ўз ҳисобидан маҳалланинг асосий кўчасини таъмирдан чиқариб берди. Шу билан бирга, 10 нафарга яқин ёшларни доимий иш билан таъминлади.

У умрини деҳқончиликка бағишлади. 20 йил мобайнида ер билан тиллашиб меҳнат қилган Сиёсатхон опа мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли туғилган имкониятлардан фойдаланиб фермер хўжалиги ташкил қилди. «Олтинкўл водий гулшани» деб номланган фермер хўжалиги тасарруфига 33 гектар ер ажратилди.

Меҳнаткаш аёлнинг умри бесамар кетмади. Ўзининг самарали меҳнати натижаси ўлароқ, Маҳмуджон Азимов, Хурсанод Ҳайдарова, Шаҳобиддин Сатторов, Фазлиддин Деҳқонов сингари илғор шогирдларни ҳам тарбиялади. Шу билан бирга, фарзандларини журналист, муҳандис, ўқитувчи ва шифокор каби касбларнинг мутахассиси қилиб вояга етказиб, эл хизматига шайлади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

СУРАТДА: *Ўзбекистон Қаҳрамони Сиёсатхон Абдуллаева*

128 ЁШЛИ МОМОНИНГ “ШУҲРАТИ”

— Тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш лозим, — дейди Тўрткўл туманида жойлашган “Намуна” овулида яшовчи мамлакатимизнинг энг ёши улуғ онахони Тўти момо Юсупова. — Чунки бундай доруломон кунлар замирида қанчадан қанча заҳматкаш инсонларнинг улкан меҳнати ётибди. Бугунги авлод буни ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги керак.

Овулдошлари орасида эъзозда бўлган Тўти момо бу йил 128 ёшни қарши олди. Президентимизнинг фармонига биноан мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида момога “Шуҳрат” медалининг берилиши эса хонадонда қўшалоқ байрам бўлишига сабаб бўлди.

Тўти момо Юсупова меҳнатдан қочмади. Ҳудуддаги Шахтаарна ва Боғён каби каналларни қазишда фаол иштирок этди. Ҳалоллиги ва ташаббускорлиги билан аҳоли орасида эътибор қозонди. Шу сабабли уни туман ёшлари ҳурмат билан тилга олишади, насиҳат ва маслаҳатларига амал қилишади.

Асил БЕК,
“Mahalla” мухбири.

Банк хизмати

Хоразм вилояти

ИШОНЧ МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Шу сабабли тижорат банкларидан кредит олаётганлар кам бўлмаётир

Истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида тараққиётга эришиш, қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлашдек олий мақсад мужассам.

Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони банк фаолиятида мижоз манфаати устуворлиги таъминланишида дастуриламал бўлмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларга кредит ажратиш жараёнида бу ислоҳотлар самараси яққол сезилмоқда.

Хоразмлик ёш тадбиркор Фарҳод Ибодуллаев "Ҳамкорбанк"дан 30 миллион сўмлик кредит олиб, Урганч шаҳридаги Ёшлик кўчасида замонавий ускуналар билан жиҳозланган, катта қувватда ишловчи босмахона фаолиятини йўлга қўйди. Босмахона қисқа муддатда буюртмачилар ишончини оқлади. Айни кунда босмахонада бир марталик тиражи 40000 нусхадан иборат 15 номдаги матбуот нашрлари сифатли чоп этиляпти. Бу ерда бухгалтерия ишига оид иш қоғозлари, турли буклет ва таклифномалар ҳам чоп этилиб, аҳолига турли йўналишдаги ноширлик хизмати кўрсатилмоқда.

Янгибозор тумани марказида жойлашган "Чўболончи" маҳалласида яшовчи Отабек Раҳимбоев "Давлатбой-Имсиной" номли фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. У "Пахтабанк"нинг туман бўлимида 27 миллион сўмлик кредит ҳужжатларини расмийлаштиргач, бу маблағга "Белорусь" МТЗ-82 русумдаги тракторини сотиб олган эди. Замонавий техника фермерлик фаолиятида иш унумини белгиловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Техник воситага эга бўлгач, фермер хўжалигида ҳам иш унуми икки-уч баробар ортди.

— Ўтган йили хўжалигимиз 10 миллион сўм даромад қилган эди, — дейди фахр билан О.Раҳимбоев. — Жорий йилдаги даромадимиз янада юқори бўлиши кутилмоқда. Даромад ҳисобидан маҳалла гузарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи цех қуришни режалаштирганмиз.

Урганч тумани Дўрмон қишлоғидаги "Гулистон" маҳалласи фуқароси Абдураҳмон Жуманиёзов ҳам имтиёздан фойдаланиш мақсадида "Асакабанк"дан мақсадли кредит олиб, лизинг асосида Германияда ишлаб чиқарилган "Class Dominator" русумли дон ўриш комбайнини харид қилди. Шартномага кўра, тадбиркор банкдан кредитга олинган 123 миллион сўм маблағни 5 йил мобайнида қайтариши лозим. Комбайн ишга туширилган илк мавсум таҳлилидан аён бўлдики, агрегат қувватларидан унумли фойдаланиш эвазига бу маблағ кредит муддатидан олдинроқ қопланиши ҳам мумкин экан.

"Халқ банки"нинг Хоразм вилояти филиали таркибидаги 23 та шаҳар ва туман минибанклари, 150 тага яқин шохобча ва махсус кассалар орқали аҳолига сифатли банк хизмати кўрсатилмоқда. Жорий йилда жисмоний ва юридик шахсларга 3 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳисобига ҳудудларда 320 та янги иш ўрни яратилиб, бандлик муаммоси ижобий ечим топмоқда. Жисмоний шахсларга якка тартибда уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредити ҳисобига 48 та оиланинг яшаш шароити яхшиланди. 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ истеъмол кредити сифатида, яна 115 миллион сўм маблағ микрокредитлар учун ажратилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали ариза билан мурожаат қилган 72 та кам таъминланган оилага чорва моли сотиб олиш учун имтиёзли кредит берилди.

Айни кунларда вилоят банкларида ўз ҳисоб рақамини очиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган кичик бизнес субъектлари сони 22 мингтадан ортди. Уларга 22,7 миллиард сўм миқдорда ажратилган кредит маблағи ҳисобига қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, транспорт хизмати кўрсатиш, бунёдкорлик соҳаларида муайян ютуқларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра, вилоят тижорат банклари томонидан айни кунгача 5,2 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Бу белгиланган режадан 2,5 миллиард сўм ортиқ, демакдир. Берилган имтиёздан фойдаланган ўнлаб ёш оилаларнинг хонадонига файз-барака кирди. Жумладан, вилоят архиви ходими Рашидбек Жонибеков "Асакабанк"нинг вилоят филиалидан 35 миллион сўм маблағни 15 йилда қайтариш шарти билан кредитга олиб, Урганч шаҳридан тўрт хонали уй сотиб олди. Р.Жонибеков яқинда турмуш ўртоғи Шахло Бобожонова ва уч фарзанди билан янги турар жойга кўчиб ўтиб, "уй тўйи"ни нишонлади. Питнак шаҳрида яшовчи Шерали Рўзметов ва Зебо Эшжоновалар оиласи ҳам "Ипотекабанк"нинг вилоят бўлимидан 18 миллион 25 минг сўм маблағни кредитга олиб, янги ҳовли-жойли бўлишди. Урганчлик Комилжон Жуманиёзов ва Онабиби Отаева, Жасур Ражабов ва Нилуфар Кенжаевалар "Пахтабанк"нинг Урганч тумани бўлимидан 3 миллион сўмдан истеъмол кредити олиб, уй-рўзғор учун зарур техника ашёлари ва жиҳозлар харид қилишди. Бундай имтиёздан миннатдор ёш оилалар сони анчагина.

Банк тизимидаги ислоҳотлар самарасидан баҳрамандлик боис юртимиз обод, маҳалладошлар турмуши фаровон бўлаётгани қувончли, албатта. Энг муҳими, банк билан мижоз ўртасида ўзаро ишончга асосланган муносабатлар шакланмоқда ва тобора мустаҳкамланмоқда.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Инвестиция лойиҳалари

Қорақалпоғистон Республикаси

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЯДИ

Тахиатош шаҳридаги "Тахиатошқурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурилиш молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Айни кунда жамият ишчилари ҳар ойда 300 куб метрга яқин 25 турдаги темир-бетон конструкцияларни истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Бу ўз навбатида, ҳар бири 300 ўринли иккита умумтаълим мактаби қурилиши қисқа фурсатда битказилишида муҳим аҳамият касб этди.

Эндиликда "Тахиатошқурилиш" МЧЖга Қорақалпоғистоннинг деярли барча шаҳар ва туманларидан буюртмалар келиб тушмоқда. Шуни эътиборга олган корхона жамоаси маҳсулот турини ўттизтага етказиш ҳамда буюртмачилар талабларини вақтида ва сифатли тарзда бажариб бериш мақсадида тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

ЯНГИ ҚУРИЛМА ИМКОНИЯТЛАРИ

Келаси йилда Муборак газни қайта ишлаш заводида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида умумий иш қиймати 221,6 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган янги лойиҳа амалга оширилади.

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасига кўра Муборак газни қайта ишлаш заводида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтиришга 196,6 миллион доллар сарфланади. Умумий сармоянинг 55,4 миллион АҚШ доллари "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан ажратилса, 110,8 миллион доллари банк кредитлари ҳисобига тўғри келади.

Ушбу лойиҳа ижроси 2008-2010 йилларга мўлжалланган бўлиб, асосий қисми 2009 йилда амалга оширилади. Яъни, бир йилда 270 минг тонна суюлтирилган газ ва 70 минг тонна газ кондесати ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қурилма ишга тушади.

Корхоналарни ўз маблағлари ҳисобидан модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича Муборак газни қайта ишлаш заводидаги эскираётган ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш ва янгилаш учун 105,7 миллиард сўм миқдорида капитал қўйилмалари ажратилади.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Наманган вилояти

«Турбопласт»дан буюртмачилар мамнун

Тадбиркор Акрамжон Сатторов раҳбарлик қилаётган «Турбопласт» хусусий корхонаси Наманган шаҳрида фаолият юритмоқда. Корхонада замонавий технология асосида пенопластдан қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва қандолатчилик учун зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона вакиллари республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида 20 турга яқин маҳсулот билан қатнашиб, "Ўзбекэнерго" ДАК, «Совпластитал», "Ройсон»", "Фотон", "Водий ширинликлари", "Супер голд" каби корхоналар билан 500 миллион сўмлик шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

Корхонада ҳозир йигирма киши меҳнат қилаётир. Тез орада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан яна шунча иш ўрни яратилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир.



СУРАТДА: *корхона ишчиси Обидхон Мухибиллаев.*

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ
(ЎзА) **олган сурат**

Дунёдан дараклар

КАНАДА ОСМОНИДА МЕТЕОРИТ

Канаданинг Саскачеван провинцияси устида катта ҳажмли метеорит ёниб, ҳавода улкан из қолдирди.

Мазкур коинот жисми учганида тун бўлишига қарамай, провинциянинг барча ҳудудини – Эдмонтондан Режинагача кўриш мумкин эди. Экспертларнинг фикрига кўра, бу Канаданинг Саскачеван провинцияси устига кейинги ўн йил ичида тушаётган энг катта метеорит бўлиши мумкин.

Калгари университети сайёрашуноси Алан Хилдебраннинг Canadian Press ахборот агентлигига берган интервьюсида айтилишича, у метеорит парчаларини Манит-Лек райони ҳудудидан излаб топиш учун Саскачеван ва Альберти провинцияларига боришни мўлжалламоқда.

Канадалик экспертнинг баҳолашича, метеоритнинг атмосфера қобиғига кириши олдидан бўлинган энергияси тротил эквиваленти бўйича тахминан 100 тоннага, ёруғлиги эса миллиарддан ортиқ электр лампаларига тенг келар экан.

ЛЬЮИС РИНГГА ҚАЙТМОҚЧИ

Бокс мухлисларида тез орада завқ олиш имконияти туғиладиганга ўхшайди. Афсонавий боксчи Леннокс Льюиснинг рингга қайтиши мумкинлиги ҳақидаги миш-мишлар секин-аста ўз тасдиғини топмоқда.

Кличконинг менежери Бренд Бенти машҳур боксчи машғулотларга қатнаётганини айтди.

"Биз Леннокснинг яна машғулотларга қатнаётгани ва рингга қайтиш мақсадида тегишли ташкилот раҳбарияти билан учрашганидан хабардормиз, — дейди Бенти. — Агар Льюис рингга қайтса, унинг Виталий билан яна бир жангини кўриш имконияти пайдо бўлади. Виталий бу хабарни яхши қабул қилди, энди ҳамма гап Леннокса қолди."

Эслатиб ўтамиз, Льюис охирги жангини 2003 йилда Лос-Анжелесда Виталий Кличко билан ўтказган эди. Виталийнинг чап қоши ёрилгач, судья жангни олтинчи раундда тўхтатиб қўйган ва у ғалаба қозонган эди.

ЭЙНШТЕЙН СОАТИНИНГ ҚИЙМАТИ ҚАНЧА?

Ўз ихтиролари билан дунёга донги кетган Нобель мукофоти совриндори Альберт Эйнштейнга мансуб бўлган соатнинг қанча туришини биласизми?

Европада олимнинг 14 каратлик тилладан ишланган, ўртача нархи "атиги" 25-35 минг доллар деб баҳоланган қўл соати ким ошди савдосига қўйилди. Бироқ савдо вақтида унинг нархи кишини ажаблантирадиган даражада ошиб кетди: 520 минг доллар (бошқа харажатлар билан жами 596 минг долларга тушади)! Мана буни рекорд деса бўлади, ахир соат ўз қийматидан 2000 фоиз юқори нархга сотилди. Соатни олган бойваччанинг исм-шарифи ҳозирча баён қилинаётганини йўқ, бироқ унинг соҳиби бўлиш учун Россия, Германия, Италия ва АҚШлик коллекционерлар жиддий курашишди.

Соатнинг орқа тарафига «Профессор Альберт Эйнштейнга» («Prof. Albert Einstein») деган ёзув ва сана қўйилган бўлиб, соат Нобель мукофоти соҳибига 1931 йил 16 февралда тақдим қилинган.

Эй сиз одамлар, эсиз одамлар...

ЁН ҚУШНИ ЖОН ҚУШНИ БЎЛОЛМАДИ-Я!..

Халқимизда «Ҳовли олма, қўшни ол», деган ибратли мақол бор. Чунки яхши қўшни бошга ташвиш тушганда ҳам, кувончли дамда ҳам доимо ёнимизда туради. Қўшнининг ёмонидан Худонинг ўзи асрасин, деб бекорга айтишмаган экан.

... Булоқбоши туманидаги қишлоқларнинг бирида Яҳё ва Хурсандбек (исм-шарифлар ўзгартирилган) ёнма-ён яшашарди. Ҳар икки оила бир-бирини анчадан буён билар, ўзаро муносабатлари ёмон эмас эди. Аммо магнитофон можароси сабаб икки қўшнининг орасидан қора мушук ўтди.

Гап шундаки, Яҳёнинг укаси Комил Хурсандбекнинг магнитофонига жуда қизиқиб қолди.

«Шу магнитофонингиз зўр-да. Менга сотинг», деб ҳоли жонига қўймади. Хурсандбек йигитчанинг сазасини ўлдиргиси келмадими, ҳарқалай, нарх-наво масаласида узоқ тортишиб ўтирмади. Иккиуч кундан сўнг магнитофонни кўтариб Комил билан Яҳё кириб келишди.

— Магнитофонингиз бузуқ экан. Умуман ишлата олмадим, пулимни қайтариб бера қолинг.

— Ахир олаётганингда бирга ишлатиб кўрган эдик-ку! Балки ўзинг бузиб қўйгандирсан?

Хурсандбекнинг сўзи оғзида қолди, ака-ука бақир-чақир қилиб, уйни бошларига кўтаришди.

— Магнитофоним бинойидек ишларди. Бузишга бузиб қўйиб, энди пулини талаб қиляпсанми? Магнитофонни нима қилсанг қилавер, лекин пулини қайтариб бермайман, — деди Хурсандбек ҳам бўш келмай. Ака-ука гаплари ўтмагач, «Шошмай тур, сен билан бошқача гаплашиб қўймасак, юрган эканмиз», дея пўписа қилганча чиқиб кетишди.

Кунлар ўтгани сайин Яҳёнинг юрагида қўшнисига нисбатан нафрати ҳам, алами ҳам ортгандан ортиб борди. Хурсандбекка рўпара келиб қолгудек бўлса, унинг қўллари муштга айланар, ўзини зўрға тутиб, ўч олиш учун қулай пайт пойлар эди.

— Деразамизнинг ойнасини кимдир синдириб кетибди!

Эрта саҳарда хотинининг хавотир аралаш айтган гаплари тунги ичкиликдан сармаст ётган Яҳёга ток ургандек таъсир қилди, у ўйлаб-нетиб ўтирмай кўчага отилди. Дарвоза олдида барвақт ишга кетаётган Хурсандбекни учратди.

— Биламан, бу ишни сендан бошқаси қилмайди, — деди Яҳё томдан тараша тушгандек. Кейин ҳеч нарсадан хабари йўқ қўшнисининг ёқасига чанг солди, гурзидек муштлари билан бошига икки-уч марта туширди. Хурсандбек кетма-кет тушган зарбалардан ўзини ўнглолмади, ҳушини йўқотиб, ерга йиқилди.

Яҳё дарвозани ёпар экан хотинига:

— Деразамизнинг ойнасини синдирган Хурсандбек экан. У билан бир йўла магнитофон учун ҳам, ойна учун ҳам ҳисоб-китоб қилиб қўя қолдим, — деб мақтанди.

Орадан бир соат чамаси вақт ўтиб, кўча супургани чиққан аёл дарвоза олдида қонга белганча қимирламай ётган қўшнисини кўрди. Қўрққанидан нима қилишини билмай қолган аёл дод солиб, қўни-қўшниларни ёрдамга чақирди.

Шифокорлар жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун зарур чораларни кўришди. Аммо барча ҳаракатлар зое кетди...

Арзимаган матоҳ туфайли чиққан жанжал оқибатида Яҳё жаҳлига эрк бериб, жондек қўшнисининг умрига зомин бўлди. У аввал ҳам ҳамқишлоқларидан бирига тан жароҳати етказиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Ўшанда Амнистия тўғрисидаги Фармонга биноан унинг биринчи марта судланаётгани, айбини тан олгани ва чин дилдан пушаймонлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги инобатга олиниб, авф этилган эди. Таассуфки, Яҳё ўзига берилган имкониятдан тўғри хулоса чиқариб олмади.

— Содир этган жинояти учун Яҳё Комилов тўққиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди, — дейди Жиноят ишлари бўйича Булоқбоши тумани судининг раиси Шавкатбек Абдураҳимов. — Бироқ бегуноҳ бир инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмиши кишини ўйга толдиради. Ушбу жиноятнинг юз беришига атрофдагиларнинг, маҳалла-кўй, қўни-қўшниларнинг бефарқлиги, эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлмаганмикин? Яҳёнинг маст-аласт юриши, маҳалладошлари билан тез-тез жанжаллашиб туриши, нахотки, маҳалла оқсоқоли ва фаолларини, профилактика инспектори ва посбонларни ташвишга солмаган бўлса? Бундай нохуш воқеалар ҳар биримизни ҳушёрроқ ва эътиборлироқ бўлишга ундайди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

«Mahalla» жавоб беради

Савол: **Автомашинамда светофорнинг қизил чироғида ўтиб кетганим учун йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими ҳайдовчилик гувоҳномамни олиб қўйди. У шунга ҳақлими?**

Жавоб: *Агар сиз бир йил мобайнида йўл ҳаракати қоидаларини тўрт ёки ундан кўп марта бузган бўлсангиз, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этилишингиз мумкин. Бу қоидабузарликларга таъқиқланган жойда тезликни ошириш, светофор ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчи белгиларга амал қилмаслик, транспорт воситасида пиёдалар йўлкасида ҳаракат қилиш, мумкин бўлмаган жойда транспорт воситаларини қувиб ўтиш, қоронғида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, йўловчиларга лой сачратиш ва бошқа ҳолатлар киради.*

Йўл ҳаракати қоидалари бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномада эса қоидабузарлик иши юзасидан қарор чиқарилгунга қадар ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилиши белгилаб қўйилган. Бу ҳақда баённомага ва ҳайдовчилик гувоҳномаси талонига ҳам ёзиб қўйилади. Сўнгра талон сизга қайтариб берилиши шарт.

«Mahalla» жавоб беради

Савол: **Биз яшаётган кўп қаватли уйда ўтган қиш мавсумида иситиш тизими ишламади. Бир неча бор иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш корхонасига мурожаат қилдим, натижаси бўлмади. Бу йил иситиш тизими қайта таъмирлангани туфайли яхши ишламоқда. Яқинда иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш корхонаси ходими ўтган йилги қарзни тўлашимни сўраб келди. Иситиш тизими ишламаган бўлса ҳам пул тўлашим керакми?**

Жавоб: *Сиз яшаётган уйда коммунал хизмат кўрсатувчи корхона томонидан иш фаолияти олиб борилмаган бўлса, бир йил ичида тўлов қайта ҳисоб-китоб қилиниши керак. Бу "Шаҳар ва аҳоли яшаш жойларида уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш ҳаражатларини ҳамда коммунал тўловларни тўлаш тўғрисида"ги Низомда ("Ўзкоммунхизмат" Агентлиги бош директорининг 2002 йил 12 августдаги 68-сонли буйруғи билан тасдиқланган) белгилаб қўйилган.*

Агар хонадонингизда иситиш тизими бир сутка давомида ишламаса, бу ҳақда коммунал хизмат кўрсатувчи корхонага маълум қилишингиз лозим. Шундан сўнг корхона, уй-жой мулкдорлари ширкати, фуқаролар йиғини вакиллари иштирокида далолатнома тузилади. Унда хизмат кўрсатишнинг қайта тикланиш муддати аниқ кўрсатилиши шарт. Шуни унутмангки, далолатнома коммунал тўловни қайта ҳисоб-китоб қилишга асос бўлувчи юридик ҳужжатдир. Агар коммунал хизмат кўрсатувчи корхона далолатномани имзолашдан бош тортса, низо судда ҳал қилингунга қадар тўловдан бош тортишга ҳақлисиз.

Кўрик-танлов

Сурхондарё вилояти

«АЛПОМИШ» ЁШЛАРИ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Термиз шаҳридаги Ўқувчилар саройи биносида «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда Халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Маҳалламиз тарихини ўрганамиз» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга маҳалларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ёшлар қалбида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, юрт тарихини ўрганиш ва қадрлаш каби фазилатларнинг шаклланишида маҳалла-қўйдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида Термиз шаҳридаги «Алпомиш» маҳалласининг «Бунёдкор» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Ангор туманидаги «Юқори хўжақия» маҳалласи жамоаси иккинчи ўринга, Сариосиё туманидаги «Дўстлик» маҳалласи жамоаси эса учинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Эркин МУҚУМОВ

Тошкент вилояти



Янгийўл туманидаги Ниёзбоши қишлоғида жойлашган 23-ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 16 йил тўлиши муносабати билан маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар, қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари қатнашдилар. Тадбирга ташриф буюрган шоир ва олимлар ўқувчиларга Бош Қомусимизнинг ҳар бир фуқаро ҳаётида тутган ўрни, мамлакатимиз тараққиётидаги роли хусусида тўхталдилар. Ўз навбатида ўқувчилар Конституцияни ўрганиш борасидаги билимларини намойиш этишди.

СУРАТДА: *тадбирдан лавҳа.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

"Mahalla" меҳмони

ҲАР ҚАДАМДА ҲИКМАТ ЯШИРИН...

Ёшлар тарбияси ҳар қайси даврнинг энг долзарб масалаларидан саналган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов билан суҳбатимиз ана шу мавзу хусусида бўлди.

— Нурбой ака, ёш авлод таълими ва тарбиясига масъул бўлган муассасада фаолият олиб боряпсиз. Ёшлар тарбиясида университет ва маҳалла ҳамкорлигининг аҳамияти, Сизнингча, қандай? Бу борада кўпроқ самарага эришиш учун нималарга эътибор бериш керак?

— Авлод тарбияси энг муҳим вазифа экани ҳеч бир таъкидсиз ҳам кундек аён. Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда: «Авлод тарбияси — миллат тарбияси»дир. Бу борада университет ва маҳалла ҳамкорлигига келсак, бунга учинчи бир муассаса — оила ҳам қўшилмаса, тарбия ҳақидаги гаплар гаплигича қолиб кетади. Ахир бола оилада таваллуд топади, биринчи навбатда ана шу муҳит таъсирида улғаяди. Отамнинг бир гаплари ҳеч эсимдан чиқмайди: “Билиб қўй, ҳалолнинг томири тоғдай, боши қилдай бўлади. Шунинг учун ҳалол одам мағлубият нималигини билмайди. Ҳаромнинг эса боши тоғдай, томири қилдай бўлади. Шу сабабли қанчалик важоҳатли кўринмасин, томири «чирт» этиб узилиб кетганини ўзи ҳам билмай қолади».

Дарҳақиқат, ҳаётий тажрибамда бу ҳикматнинг тасдиғига кўп бора гувоҳ бўлдим. Бундан бир неча йиллар муқаддам маҳалламизда бир одам бўларди. Эшитишимча, анча «мойли жой»да ишларди. Муомаласи ҳам шунга яраша эди. Нима бўлдию, ўша кимсанинг боши ёстиққа тегди. Жуссаси саноқли кунда таниб бўлмас даражада кичрайиб қолди. Кейинчалик эшитсам, судхўрлик билан шуғулланар экан. Аввал озроқ пул олиб, фоизи билан қайтарган, ишончини қозонган мижозлари анча катта маблағ олгач, уни “тушириб” кетишибди. Мол аччиғи жон аччиғи эмасми, акахон юрагини чангаллаб йиқилибди. Ана сизга ҳаромнинг томири қилдан ҳам ингичка эканлигига далил. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ана шундай оила муҳитида ўсган болани университет ёки маҳалла тарбиялай оладими?! Йўқ, албатта.

Бироқ, таъкидлаш керак: маҳалла — катта куч. Халқимизда «Бир болага етти маҳалла отаона» деган доно нақл бор. Бу нақл замирида чуқур маъно яширин. Зеро, маҳалла аҳли ўша ҳудудда яшайдиганларнинг қандай инсон эканини яхши биладди. Баъзан маҳалла таъсирида бундайроқ оиланинг фарзандлари ҳам олижаноб инсон бўлиб камол топиши мумкин. Чинакам баркамол авлодлар етишмоғи учун оила — маҳалла — ўқув юрти ҳамкорлиги мустаҳкам асосга қурилгандагина кутилган натижага эришиш мумкин.

— Бугун бизда жамият маънавиятини юксалтириш масаласи мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу борада қувонарли ютуқларга эришаётганимиз рост. Бироқ табиийки, муаммолар ҳам йўқ эмас. Сизнингча, бу муаммолар нималардан иборат? Уларни ҳал этиш йўллари-чи?

— Менимча, бунинг учун биринчи навбатда ёшларда ибрат туйғусини тарбиялашимиз зарур. Ҳаётга, атроф-муҳитга ибрат назари билан қарай билиш — маънавият жабҳасидаги ютуқларнинг калити, асосий омилидир. Ҳикматларга тўлиқ бир нақлни эшитганим бор:

Ҳотами Тойдан сўрабдилар:

— Саховатни кимдан ўрганганисиз?

— Ғиштдан.

— Ие, ғиштдан ҳам ўрганиб бўларканми?

— Бирор марта ҳашарда қатнашганмисиз? — деб жавоб берибди Ҳотами Той. — Одамлар қатор туришиб, бир-бирига ғишт узатадилар. Шунда қўлингиздаги ғиштни узатиб юборсангиз, қўлингизга яна ғишт келади. Узатмасангиз — йўқ. Билдимки, Худо берган бойликни бошқалар билан баҳам кўргандагина хайр-барака бўлади...

Бу биргина мисол. Ахир, ўйлаб кўринг, бизнинг юртимиздан не-не улуғ зотлар етишиб чиққан?! Бунинг сири нимада? Биринчи навбатда, ҳаётга ибрат назари билан қарай олишда. Ҳаёт ҳикматларга тўла. Фақат уни англай билмоқ керак. Ақл, идрок деган неъматлар инсонга нима учун берилган? Ана шу ҳикматлардан хулоса чиқармоқ, уларни ҳаётга татбиқ этмоқ лозим.

Қолаверса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти юқори бўлмоғига эришиш зарур. Интеллект — беқиёс миллий бойлик. У бор жойдагина маънавият чинакамига юксалади. Бунинг учун ёшларни китоб билан қайта дўстлаштирмоқ керак. «Қайта дўстлаштирмоқ» иборасига урғу бераётганим бежиз эмас. Бугун ёшларнинг катта қисми китобхонликни қарийб унутаёзди. Тезкор ахборот манбаи бўлган компьютер, интернет китобнинг ўрнига даъвогарлик қилмоқда ва афсуски, кўп ҳолларда бунга муяссар бўлаётир. Домла замонавий тараққиётга қарши экан деманг. Булар ҳам ўз ўрнида керак. Лекин китобга, китобхонликка қайтмасак, кўп нарсани бой беришимиз мумкин. Бу биргина таълим тизими ходимларининггина эмас, бутун жамиятнинг олдида турган энг долзарб муаммо. Маънавият соҳасидаги ҳақиқий юксалиш ана шу муаммони қай даражада еча олишимизга боғлиқ.

— Нурбой ака, ҳозирги фан-техника тараққий этган шиддаткор замонда фарзанд тарбиясида аҳамият қаратишимиз зарур бўлган жиҳатлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, замон шу қадар илдамлаб боряптики, у билан ҳамқадам бўлиш, етиб юриш осон иш эмас. Бироқ етишимиз шарт ва зарур. Бундан юз йил муқаддам маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий «Болаларингизга келар замон илмини ўргатинг. Бинобарин, улар сизнинг даврингизда эмас, ўзга бир замонда яшайдилар», дея бонг урган эди.

Ҳақиқатан ҳам, кечаги ва бугунги кунни таққослаб бўлмагани сингари бугунни эрта билан қиёслаш ҳам ақлли одамнинг иши эмас. Бу ҳақиқат олдимизга янада долзарб вазифаларни қўяди: болаларимиз нафақат тараққиётнинг бугунги даражасига етиб яшаши, унинг эртанги ҳолатини ҳам тасаввур эта билмоғи зарур.

Шайх Саъдий Шерозий машҳур «Гулистон» асарининг муқаддимасида инсоннинг ҳар бир нафасида икки неъмат мавжудлигини, уларнинг ҳар бири учун шукрона айтмоқ вожиб эканини таъкидлайди. Улуғ аллома фақат тил билан шукрона айтишга даъват қилаётгани йўқ, назаримда. «Эй инсон, ҳар бир олаётган нафасингнинг қадрига етгин. Инсон умри — камолга эришмоқ учун берилган бир имкон. Уни беҳудага сарф этма», демоқчи буюк мутафаккир.

Агар одам болалари ана шундай қарашни ўз ҳаётига тўлақонли татбиқ эта билганида эди, жамият ҳар қандай муаммолар гирдобидан осонгина чиқиб кета олган бўларди. Мен бугунги ёш авлоднинг ҳаёт тарзи ана шундай ҳикматларга таянишини орзу қиламан.

Яна бир фикр: жаҳон тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз яхши. Лекин уларнинг илмда, маърифатда эришган ютуқларини янгидан янги муваффақиятлар билан бойитиб бормасак, улар даражасига эришмоқ учун интилмасак, юксак тараққиёт ҳақидаги орзулар орзулигича қолиб кетиши муқаррар. Ёшларимизга улуғ мақсадлар йўлида заҳматдан ҳаловат топа билиш, шижоат, қатъият ҳамроҳ бўлишини тилайман.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА суҳбатлашди.

МУҲАББИЛАР ТАҚВИМИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда ички сезгингизга қулоқ тутсангиз, у сизни кўплаб ноқулай, ҳатто хатарли вазиятларга тушиб қолишдан сақлайди. Ҳар бир ишда эҳтиёткорлик яхши.

СИҒИР(22.04-20.05)

Ҳамкасбларингиз билан муносабатда самимий бўлсангиз, ўртангизда юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликнинг олдини оласиз.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Айни кунларда ўйлаб қўйган режаларингизнинг қандай натижа беришига жуда қизиқяпсиз. Ошиқманг, ҳамма нарсани вақти-соати келганда билиб оласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ушбу ҳафта мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун жуда қулай. Вақтдан унумли фойдаланиб қолсангиз, дам олиш кунларини оилангизга бағишлашингиз учун имконият туғилади.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта давомида янги танишлар орттиришингиз ва улар томонидан сизга ҳамкорлик қилиш ҳақида таклифлар тушиши эҳтимоли бор.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Яқин кишиларингиз томонидан хушхабар эшитишингиз мумкин. Дам олиш кунларини дўстларингиз билан табиат қўйнида ўтказсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ушбу ҳафтадаги салоҳиятингиз лавозимингиз кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда, албатта, яқинларингиз билан маслаҳатлашиб иш кўринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шу кунлар соғлиғингизга жиддий эътибор беринг. Майда-чуйда нарсалар билан асабингизни бузманг. Маданий хордиқ олиш ҳам даволанишнинг бир йўли.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Бу ҳафта молиявий аҳволингизни яхшилаб олишга имконият туғилади. Фақат ундан тўғри фойдалана олсангиз бас. Баъзи ҳолларда таваккал қилиш ҳам керак.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ҳафта режа ва мақсадларни амалга ошириш учун жуда қулай. Молиявий танглик юзага келмаслиги учун харажатларни назорат қилишингиз лозим.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ижодкор ва тадбиркорлар учун сермаҳсул кунлар келди. Омадингизни қўлдан бой берманг. Шанба куни кутилмаган хушхабар эшитасиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Шу кунларда тушкунликка тушушингиз мумкин. Аммо ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари бу ҳолатдан асар ҳам қолмайди: Сиз яна ғайрат-шижоат билан ишлай бошлайсиз.

Маҳалламиз тарихи

АММАҒОН ЧЎПОНИНИНГ НОЛАСИ

ёғийларни кулга айлантирган(ми?)

Ҳисор тоғи этакларида жойлашган Аммағон қишлоғи бетакрор табиати билан ажралиб туради. Қишлоқ номининг келиб чиқиши ҳақида турли тахминлар, ривоятлар мавжуд. Тўра Нафасовнинг «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати» китобида «Аймоғон» — «аймоқ» сўзи ва тожикча «он» кўплик қўшимчасининг бирикишидан пайдо бўлиб, «аймоқлар» маъносини беради.

Баъзиларнинг фикрича, бу ном «омма — халқ», «кон-кўп» сўзларидан пайдо бўлган. Ушбу сўзларнинг биринчиси арабча, иккинчи қисми форсча экани қишлоқ тарихи араб истилосидан кейинги даврдан бошланишидан далолат. Бироқ қишлоқ ва унинг ён атрофидаги Ёриғтош, Чўпонтош, Тешиктош, Каттатош, Уч оғайни ботирлар каби тошларнинг маҳаллий аҳоли томонидан муқаддаслаштирилганги юқоридаги фикрни инкор этади. Чунки бу оташпарастлик динининг таъсири бўлиб, нарсаларга ва тошларга топиниш ислом динида қоралланган.

Аммағон атамаси — «алмакон» сўзидан келиб чиққан дея эътироф этувчилар «ал» — аниқлик артикли, «макон» — жой, ўрин сўзларининг синоними эканини таъкидлашади.

Қишлоқ номининг «Алмағиён» сўзидан келиб чиққани ҳақидаги тахминлар ҳам ҳақиқатга бир қадар яқиндек кўринади. Бўриси, қадимги туркий тилда «ал» олд қўшимчаси «эл, улус, халқ» маъноларини билдиради. Бу қўшимча турк хоқонлигининг машҳур саркардаси Тўнюқуқ қабри устига қўйилган битиктошда ҳам шу маънода қўлланган. Рампурийнинг «Ғиёс ул-луғат» асарида қайд этилишича, «мағ» сўзи «дарё» маъносини беради. Дарё бўйида ҳаёт кечирувчи инсонлар эса мағий деб аталади. Демак, «Алмағиён» — мағийлар, яъни дарё бўйида умр-гузаронлик қилувчи эл маъносини билдиради. Бу фикрни қишлоқ тарихига оид ривоятлар ҳам тасдиқлайди. Уларда айтилишича, Аммағон тарихи Ҳисор тоғи ортида жойлашган Мағиён қишлоғи билан алоқадор эмиш.

Аммағон атамасининг «ал муғон» сўзидан келиб чиққанлиги хусусидаги тахминлар ҳақиқатга анча яқиндир. Бу сўздаги «ал» — «эл, улус», «муғ» — «мажусий, оташпараст» маъноларини беради. Тарихий манбаларда келтирилишича, қадимда зардуштий руҳонийлар «муғлар» деб аталган. А.Аширов «Авесто»дан мерос маросимлар» асарида муғлар дуоларни қироат билан ўқиш, ваъз айтиш билан бирга хаома ичимлигини тайёрлаш, оташкадаларни озода сақлаш, маросимларни тартибли ўтказиш сингари вазифаларни ҳам бажаргани, ҳатто қозилик, табиблик ва сартарошлик билан шуғулланганги тўғрисида маълумот беради.

Рус шарқшуноси И.Дьяконовнинг фикрича, муғларнинг асл ватани Турон замини бўлиб, кейинчалик улар Каспий денгизининг жанубини макон тутишган. Буни қадимшунослик тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, Аммағон номининг келиб чиқиши 2500 йиллик тарихга эга, дейиш мумкин.

Аммағонликларнинг яшаш тарзида, урф-одатларида оташпарастлик динининг айрим кўринишлари ҳозиргача сақланиб қолган. Чавандозни оти билан бирга исириқли олов устидан ҳатлатиш, чироқ ёқиш, ит теккан қозонни оловда қатрон қилиш, мозорга мевали дарахт ўтқазмаслик, арча дарахтини, тупроқ ва сувни муқаддас билиш, келин-куёвни олов атрофидан айлантириш каби урф-одатлар шулар жумласидан.

Қишлоқ ҳудудидаги ва ён-атрофидаги тошлар ҳақида қизиқарли ривоятлар тўқилган. Атрофи арчалар ва дов-дарахтлар билан ўралган майдоннинг қоқ ўртасида мармар саллали Чўпонтош, унинг икки ёнида ит тошлар, ён-атрофда эса сон-саноқсиз қўй-қўзи тошлар жойлашган. Ривоят қилишларича, қадим-қадим замонларда юртни ёғий босиб, шаҳару қишлоқларни, боғу бўстонларни яксон эта бошлабди. Аммо ёв қўшинлари ҳарчанд уринса ҳам тоғу тошлар орасидаги кичкина бир қишлоқ аҳлини бўйсундиролмабди. Куч ҳам, ҳийла ҳам иш бермагач, ёғий қишлоқни қамал қилибди. Қишлоқ аҳлининг тирикчилиги чорва моллари ҳисобидан экан. Ем-хашак захираси тугагач, аҳоли хавотирга туша бошлабди. Оқсоқоллар тўпланиб, муаммони ҳал этиш чораларини излашибди, ҳеч қандай нажот йўли кўринмагач, кекса чўпон Тўғриқул Одилга маслаҳат солишибди. Чўпон ҳамқишлоқларининг мол-ҳолини асраш мақсадида уларни кўздан пана яйловлар сари ҳайдаб кетибди. Оч қолган молларга мусвак гиёҳини бериб, кўкламга талофатсиз чиқиб олибди.

Душманлар бундан хабар топгач, подани қўлга киритиш пайига тушишибди. Лекин ҳар сафар доно чўпон уларга панд бериб кетаверибди. Ниҳоят, ёв қўшини мақсадига етибди — чўпонни подаси билан бирга қуршовга олибди. Шунда чўпон қўлларини кўкка чўзганча нола қилибди: «Эй, яратган Эгам! Эл менга ўз молини ишониб топшириб эди. Биродарларим олдида юзимни шувут, ўзимни душманга хор қилма. Мени ва эл молини қиёматга қадар тошга айлантир!» Унинг оҳу зорига ҳатто забонсиз жониворлар ҳам қўшилиб, уввос тортишибди. Чўпоннинг илтижоси қабул бўлиб, у подаси билан бирга тошга, душман аскарлари эса кулга айланган эмиш.

Маҳаллий аҳоли Чўпонтошни Саллали азилла деб ҳам атайди. Бу бирикмадаги «азилла» арабча «азизулло» сўзидан олинган бўлиб, «Аллоҳнинг азиз бандаси» деган маънони англатади.

Самад ХУДОЙНАЗАРОВ

Қишлоқ аньаналари

Наманган вилояти

ШИРМОЙ НОННИНГ СИРИ

5250 нафар аҳоли истиқомат қилаётган “Озод” маҳалла фуқаролар йиғининининг Намуна кўчасида 50 дан ортиқ хонадон соҳиблари новвойлик билан шуғулланадилар. Анъанага кўра, бу оилаларда ёшлар балоғатга етмасданоқ аждодлар ҳунари сир-асрорларини ўргана бошлайди ва фурсати етганда ота касбини давом эттиради.

— Ҳозирги кунда кексалик ғаштини сураётган Жамолиддин Жўраев бутун умри давомида новвойлик қилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамидахон Ҳайдарова. — Жамолиддин ота 80 ёшни қоралаган бўлишига қарамай, фарзандлари Маҳмудхон, Маъмурхон, Мусохон, Олимхон, Валихон ва Одилхонларнинг новвойлик фаолиятида кўмаклашиб туради.

— Ширмой нонни барча новвойлар ҳам тайёрлайвермайди, — дейди Жамолиддин отанинг ўғли Олимхон. — Сабаби, бу иш бирмунча мушкул бўлиб, хамиртурушга ўзига хос тарзда ишлов берилиши лозим. Хамиртурушнинг сири шундаки, сувда қайнатилган арпабодиёнга ўртасидан ёрилган нўхот солинади, кейин бироз ун билан аралаштирилади. 12 соатдан сўнг бу аралашма хамиртурушга айланади. Хамиртурушни фақат бир киши тайёрлайди ва бошқа новвойларга улашади. Хамиртурушни ун билан аралаштириб, 5 соат тиндирилгандан кейин хамир қорилади, аммо туз солинмайди. Тандир фақат ғўзапоя ўтинида қиздирилиши лозим. Чаққон новвой бир кунда 100 кг ундан 180 дона ширмой нон тайёрлаши мумкин.

“Озод” маҳалласида новвойлик билан шуғулланадиган оилалар жуда кўп. Шу боисдан уни “новвойлар маҳалласи” деб аташади.

Турли тадбиру маросимларда дастурхонга қўйиладиган ширмой нонлар, асосан, Наманган ва Марғилон шаҳарларида ёпилади.

Мирзадавлат ЮНУСОВ, “Mahalla” мухбири.

Mahalla

МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93
236-55-69, 236-57-62
Факс: — 233-44-25

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2,
2 босма тобоқ.
Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир:
Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ:
Моҳичехра Латипова
Саҳифаловчи:
Фаррух Расулов

11426 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1020 Топширилди — 23.40
1 2 3 4 6